

**Миркомиллов Миразиз Нодирович,**  
начальник отдела маркетинга СП АО  
"UZKABEL"

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ХИТОЙ ҲАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИГА ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ ВА МУАМОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

УДК 339.564.2

## **МИРКОМИЛОВ М.Н. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ХИТОЙ ҲАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИГА ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ ВА МУАМОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ MASАЛАЛАРИ**

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасининг экспорти таркиби охириги беш йил давомида ўзгариш тенденциялари ҳамда юртимизнинг экспорт салоҳиятини ошириш йўлида ҳукуматимиз томонидан амалга ошириладиган ислохотлар, маҳсулотларни ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш бўйича олиб бориладиган давлат стратегияси ҳамда сиёсатининг натижалари ва мамлакат иқтисодиётидаги чуқур таркибий ўзгаришлар кўриб чиқилган. Маҳаллий маҳсулотларнинг жаҳон бозорига чиқишида уларга қўйиладиган техник талаблар, дуч келаётган муаммолар таҳлил қилинган. Республикаимизнинг ҳозирги экспорт ва импорт салоҳиятига объектив баҳо бериш имконини берувчи статистик маълумотлар, шу билан бирга уни ривожлантириш бўйича аниқ таклифлар тақдим этилган.

Таняч иборалар: экспорт, диверсификация, қишлоқ хўжалиги, импорт, ҳомашё, логистика, ташқи савдо, логистик марказ.

## **МИРКОМИЛОВ М.Н. ПОВЫШЕНИЕ ЭКСПОРТНОГО ПОТЕНЦИАЛА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН В КИТАЙСКУЮ НАРОДНУЮ РЕСПУБЛИКУ И ПУТИ РЕШЕНИЯ ПРОБЛЕМ**

В данной статье рассматриваются тенденции изменения в структуре экспорта Республики Узбекистан за последние пять лет, а также реформы, проводимые нашим правительством для повышения экспортного потенциала нашей страны, результаты государственной стратегии и политики по модернизации и диверсификации производства, а также глубокие структурные изменения в экономике. Проанализированы технические требования, проблемы и задачи, с которыми сталкиваются местные продукты на мировом рынке. Представлены статистические данные, позволяющие объективно оценить текущий внешнеторговый потенциал страны, а также конкретные предложения по его развитию.

Ключевые слова: экспорт, диверсификация, сельское хозяйство, импорт, сырьё, логистика, внешняя торговля, логистический центр.

**MIRKOMILOV M.N. INCREASING THE EXPORT POTENTIAL OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN TO CHINA AND THE WAYS OF SOLVING THE PROBLEMS**

The article examines the changing tendency of the export structure of the Republic of Uzbekistan for the last 5 years, as well as the reforms which are carried out by our government in increasing the export potential of our country, the results of the government strategy and policy on modernization and diversification of production and profound structural changes in the economy. The technical requirements, problems and tasks faced by local producers in the global market are analyzed. Statistical data are presented and allows to give objective assessment of the current foreign trade potential of the country, as well as specific proposals for its development.

Key words: export, diversification, agriculture, import, raw materials, logistics, foreign trade, logistic centers.

Охирги 10 йил ичида Хитой аҳолиси озиқ-овқат маҳсулотлари ҳавфсизлигидан хавотирда. Бунга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини маҳаллий ишлаб чиқарувчи ва қайта ишловчиларга бўлган ишончсизлик, фақат органик тоза ёки импорт қилинган озиқ-овқат маҳсулотларини хавфсизроқ деб тан олиб, уларнинг истеъмоли ошишига сабаб бўлмоқда.<sup>1</sup>

Шу билан бирга, Хитойга экспорт қилиш жараёнида кенг тарқалган техник тўсиқлар мавжуд. Булар қаторида: маҳсулотларни миллий стандартларга жавоб бериши, специфик қадоқлаш ва тамғалаш, санитар-гигиеник нормалар ва қийинлаштирилган божхона расмийчилигини бажарилиши.

Республикамиз Козоқстон, Россия ва Хитой бозорларига мева-сабзавот маҳсулотларини етказиб бериш ҳажмини ошириш салоҳиятига эга, лекин Хитой бозорини эгаллаб олишдан аввал бизнинг маҳсулотлар Россия бозорларида ўз ўринларини топишлари зарурдир. Россиянинг чакана савдосини деярли ярми супермаркетлар томонидан эгалланган ва мева-сабзавот маҳсулотларни тўғридан-тўғри супермаркет тармоқларига экспортни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади. Статистик маълумотларга назар ташлайдиган бўлсак, Россияга экспорт қилинадиган ўрик, шафтоли, гилос каби меваларнинг умумий ҳажмидан фақат 8,7 фоизи Ўзбекистон улушига, Туркия 32,2%, Сербия 18,2%, Молдова 9,5%, Хитой 9,2%<sup>2</sup> улушига тўғри келади.

2018 йилда Хитой давлатига амалга оширилган экспорт кўрсаткичлари бўйича Ўрта Осиё мамлакатлари орасида Туркманистон ва Қозоғистон

давлатларидан кейинги, яъни Ўзбекистон Республикаси учинчи ўринни эгаллади. Ушбу давлатларнинг экспорт таркибини асосан нефть ва газ каби ҳомашэ маҳсулотлари ташкил этган (1-расм)<sup>3</sup>.

2019 йил январь-ноябрь ойлари якунларига кўра, республикамизнинг Хитой давлатига экспорт қилинган маҳсулотлар ҳажми 2,7 млрд. долларни ташкил этди. 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 8 фоизга ўсди. Ўзбекистон Республикаси томонидан Хитойга олиб кириладиган маҳсулотларга қўйиладиган ўртача божхона тариф ставкаси 7,4% , шу жумладан мисга – 2%, уранга - 5%, пахта толасига - 1% (квота доирасида), пахтадан йигирилган ипга – 5%, пахтадан тайёрланган газламаларга – 8%, полиэтиленга – 7%, тери хомашёларига – 0-14%, хом ипак ва унинг чиқиндиларига – 9%, қизил мия экстракти – 6%, меваларга - 10%, дуккакли сабзавотлар – 5%, кондитер маҳсулотларига – 8-10%, мева ва сабзавот сокларига – 5% этиб белгиланган. Импорт саноат маҳсулотлари учун белгиланган қўшилган қиймат солиғи 13% ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун эса 9%. Хитой ҳудудига олиб кириладиган қуйидаги маҳсулот турларига акциз солиғи тадбиқ этилган: тамаки маҳсулотлари, алкоголь ичимликлар, парфюмерия ва косметика, қимматбаҳо тошлар, фейерверклар, нефть маҳсулотлари ва бошқалар.

Шу билан бирга Хитой давлатида импортни квоталаш тизими фаолият юритмоқда. 2019 йилда маҳсулотларга нисбатан қуйидаги квоталар белгиланган: буғдой – 9,6 млн. тонна, (90% давлат эҳтиёжи учун), маккажўхори – 7,2 млн. тонна (60%), гуруч – 5,3 млн. тонна (50%), пахта – 0,9 млн. тонна (33%), шакар – 1,9 млн.тонна (70%).

Хитой ҳудудига мева-сабзавот маҳсулотларини олиб кириш учун рухсатнома ХХРнинг бош бож-


<sup>1</sup> english, www.gov.cn/news/topnews/201912/23/content\_1724c6d0bcfbc4c1\_9456.html, (23.12.2019)

<sup>2</sup> https://ru-stat.com/date-M201612-201712/RU/import/world/0208 (10.01.2020)

<sup>3</sup> https://www.trademap.org/Bilateral.aspx?nypm=1%7c156%7c%7c860%7c%7cTOTAL%7c%7c%7c2%7c1%7c1%7c1%7c%7c1%7c1%7c1%7c (10.01.2020)

1-расм.

Хитойга Ўрта Осиё мамлакатлари томонидан 2018 йилда экспорт қилинган маҳсулотлар ҳажми.  
(минг.доллар)



хона бошқармаси томонидан тақдим этилади. Айрим турдаги маҳсулотлар учун уларнинг етиштириш шарт-шароитлари ҳамда қадоқлаш цехлари фитосанитар талаблари асосида чуқур ўрганилади ва текширилади. Ҳозирги кунга қадар 10 турдаги мева-сабзавот маҳсулотларига (тузланган ва ширин ўрик данаги, пўстсиз ёнғоқ, кунжут, узум данаги, туршак, майиз, мош, гилос, қовун) фитосанитар рухсатномалар олинган, 50 та қадоқлаш цехлари (мош, гилос, қовун) ва 185 та қовун ва гилос етиштириладиган дала/боғлар талабга жавоб беради деб топилган.

2019 йил Хитой давлатига экспорт қилинган маҳсулотлар туркумига назар ташланадиган бўлса, энг юқори фоиз кўрсаткичи газ маҳсулотига тегишли экани намоён бўлади. Ҳукуратимиз томонидан амалга оширилаётган сиёсат натижасида йил сайин экспорт таркиби диверсификация этилмоқда. 2018 йил Ўзбекистон Республикасининг Бош Вазири Абдулла Нигматович Арипов ташрифи чоғида қовун ва асал маҳсулотларини Хитойга етказиб бериш бўйича битим имзоланди ва 2019 йил қовун, гилос, аччиқ қалампир, ёнғоқ, анор, мош маҳсулотлари учун фитосанитар рухсатномалар олинди (2-расм)<sup>1</sup>.

2020 йил охиригача эса лимон, олхўри, шафтоли, узум, ўрик, қуритилган қизил қалампир, қуритилган олхўри, қуритилган қовун, ловия, тарик, товуқ оёқлари, мол гўшти, молнинг суб-

продуктларига карантин рухсатнома олинши кутилмоқда.

Шу билан бир қаторда 2020 йил 1 январдан бошлаб Хитой ҳукумати томонидан 859 та тоифадаги истеъмол маҳсулотларига божхона тўловларини пасайтиришга қарор қилди. Тўловлар ўртача 2 фоиздан 40 фоизгача, айрим фармацевтик маҳсулотларга тўловлар 0 фоиз, шарбат ва қуйиқага (нектар) 30 фоиздан 15 фоиз қийматгача пасайтирилади<sup>2</sup>. Амалга оширилаётган қуйидаги сиёсатнинг сабаби бу сифатли ва ихтисослашган истеъмол товарларига талаб ошиши. Хитой давлати маҳсулот турларини импорт орқали оширишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Бу ўз навбатида маҳаллий экспортчиларимиз учун маҳсулотларининг таркибини кенгайтиришга қўшимча имкониятдир.


Албатта Ўзбекистон мева-сабзавот экспорти соҳасида рақобатбардош бўла олади ва бу истиқболли йўналишдир. Бироқ Хитой бозорининг ҳажм катталигини инобатга олиб, бозорни эгаллаш учун маҳсулотларни узлуксиз етказиб бериш зарур. Хусусан, Чили давлати бу маҳсулот етказиб беришда катта имтиёзга эга: Хитойда қиш бўлган бир пайтда, Чилида ёз бўлади. Охириги йилларда Хитой 1,6 млрд. долларга тенг гилос маҳсулотини импорт қилди, ундан 26% Чили маҳсулоти, 708 млн. доллар тенг узум маҳсулотини шундан 25% Чили маҳсулоти ташкил этди.

Ўзбекистондан Хитой давлатига экспорт қилинадиган маҳсулотларнинг таннархини оши-

<sup>1</sup> <https://stat.uz/uploads/docs/%D0%9F%D1%80%D0%B5%D1%81%D1%81-%D1%80%D0%B5%D0%BB%D0%B8%D0%B7%20-%D0%92%D0%AD%D0%A1-%20%D1%83%D0%B7%D0%B1%20+++ .pdf>

<sup>2</sup> [english.www.gov.cn/news/topnews/201912/23/content\\_WS5e001724c6d0bcf8c4c19456.html](http://english.www.gov.cn/news/topnews/201912/23/content_WS5e001724c6d0bcf8c4c19456.html)

### Экспорт таркиби-2019 йил (январ-ноябрь)



шига, шу билан бирга рақобатбардошлигини пасайишига транспорт ҳаражатлари жуда катта таъсир қўрсатмоқда. Чунки юритимизнинг географик жойлашуви денгиз йўлига чиқиши учун икки давлат чегарасини босиб ўтиши зарур, шунинг учун маҳсулот етказиб бериш ер усти транспорт воситалари орқали амалга оширилади. Логистика йўналишида бошқа муаммолар ҳам мавжуд. Масалан, маълум бир кимёвий маҳсулотларни етказиб бериш учун махсус вагонлар талаб этилади ҳамда мос келадиган инфраструктура мавжуд бўлиши керак. Шунга қарамасдан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 майдаги “Экспорт фаолиятини молиялаштириш ва суғурта ҳимояси механизмларини кенгайтириш чоратадбирлари тўғрисида” ПҚ-4337-сон қарорининг 10 бандига кўра, «Uzbekistan airways» АЖ ҳамда “Ўзбекистон темир йўллари” АЖларнинг экспорт юklarини ташиш тарифларини танқидий қайта кўриб чиқилиши белгиланган. Бугунги кунда “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси («Uzbekistan airways» АЖ) (кейинги матнда – Авиакомпания) паркида мавжуд бўлган 28 та, шундан 2 та юк ташишга мўлжалланган самолётларнинг барчасида экспорт юklarини ташишда фойдланиб келинмоқда. Авиакомпания томонидан 2016-2018 йиллар мобайнида жами 49 148,1 тонна юк экспортга жўнатилган бўлиб, шундан 35 024 тоннаси узоқ хориж давлатлари ҳиссасига тўғри келса, қолган 14 124,1 тоннаси МДХ давлатлари ҳиссасига тўғри келади.

Ушбу давр мобайнида юқоридаги юklarни ташиш натижасида авиакомпания томонидан

жами 137 349,3 млн. сўмлик даромад олинган бўлиб, шундан 90 147,8 млн. сўми узоқ хориж давлатларига юklarни ташишдан олинган тушум бўлса, 47 202,5 млн. сўми МДХ давлатларига жўнатилган юklarни ташишдан олинган маблағлар ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, авиакомпания томонидан юklarни экспортга ташиш йўловчиларни ташиш рейсларида ҳамда алоҳида юк ташувчи самолётларда амалга оширилган, хусусан:

2018 йил мобайнида экспортга йўналтирилган 10 025,3 тонна юкнинг, 6 902,3 тоннаси ёки 68,8%, йўловчиларни ташиш рейсларида ташилган бўлса, қолган 3 123 тоннаси ёки 31,2% юк ташувчи самолётларда ташилган;

2019 йилнинг 1-чораги давомида экспортга йўналтирилган 1 307,1 тонна юкнинг 1 107,4 тоннаси ёки 84,7% йўловчиларни ташиш рейсларида ташилган.

Юklarни экспортга ташишдаги тарифларнинг ҳисоб-китоби евро пул бирлигида юритилиб, йўловчиларни ташиш рейсларида ташилдиган юк учун тарифлар умумий, текстиль ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига қараб алоҳида белгиланган. Тарифлар миқдори 1 кг юк учун жўнатилаётган юкнинг манзилига ҳамда юкнинг ошиб бориш тартибидаги оғирлигига қараб ўзгариб боради. Ушбу ҳолатда юк оғирлигининг белгиланган миқдорлардан ошганида, ўрнатилган нархларни пасайтириб қўллаш тартиби жорий қилинган.

Масалан, Тошкент-Лондон йўналишида умумий тариф бўйича экспортга жўнатиладиган юк

оғирлигининг энг кам миқдори 45 кг миқдорида белгиланган бўлиб (45 кг гача бўлган юклар учун ҳақ 45 кг миқдорида ҳисобланади), ҳар бир мезон ортган 1 кг учун 2,2 евро миқдорида, агар умумий юк оғирлиги 100 кг дан ошса, ҳар 1 кг учун 1,95 евро миқдорида ҳақ ҳисобланади. Бундан ташқари ушбу хизматга қўшимча равишда қуйидаги: ёқилғи учун – ҳар 1 кг юк учун 0,15 евродан; авиация хавфсизлиги учун – ҳар 1 кг юк учун 0,50 сўмдан; Европа Иттифоқи, Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти давлатлари ҳамда Исроил давлати божхона органларини огоҳлантириш учун – бир марталик 35 000 сўм; юкни қайта ишлаш учун – ҳар 1 кг юк учун 500 сўмдан йўғимлар ундирилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 декабрдаги “2018-2022 йилларда транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва юк ташишнинг ташқи савдо йўналишларини диверсификациялаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3422-сон қарорига кўра авиакомпанияга 2017-2022 йиллар мобайнида миллий экспортёрлар юкларни ташиш бўйича белгиланган тарифларни пасайтириш топширилган бўлсада, авиакомпания томонидан фақат айрим турдаги текстиль маҳсулотлари экспорти учун 20 фоизли чегирмалар тақдим этилган. Ушбу ҳолатда, тақдим этилган чегирмадан фойдаланиш учун экспортга жўнатилиши лозим бўлган текстиль маҳсулоти юкнинг оғирлиги 500 кг дан юқори бўлиши лозим.

Бугунги кунда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари экспорти тарифлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 3 октябрдаги 03/19-6 сонли ҳамда 2014 йил 6 январдаги 01-02/1-639 сонли махсус баённомалари топшириқларига асосан аввал қўлланилган имтиёзлар асосида амалда бўлган умумий тарифларга нисбатан ўртача 50 фоизга арзонлаштирилди.

Шу билан бирга юкларни йўловчи ташиш рейслари орқали экспортга ташиш тарифларнинг харажатлари таркиби ўрганилганда, 1 кг юк учун амалга ошириладиган харажатлар юк жўнатиладиган манзилдан келиб чиқиб 0,06 - 0,51 АҚШ доллари миқдоридаги ёқилғи ҳамда 0,2 АҚШ доллари миқдоридаги аэропортда юкни қайта ишлаш ишлари учун амалга ошириладиган, жами 0,26 – 0,71 АҚШ доллари миқдоридаги харажатлардан ташкил топгани маълум бўлди. Ушбу ҳолатда, юкни экспорт қилиш учун ўрнатилган тарифлар рентабеллиги, 1 кг

юкнинг жўнатиладиган манзилдан келиб чиққан ҳолда ўрта ҳисобда 400 фоизгача белгиланганлик ҳолатлари аниқланди.

Масалан, Тошкент – Краснодар йўналишида умумий тариф бўйича экспортга юбориладиган 100 кг юк учун Авиакомпания томонидан ҳақиқатда 35 АҚШ доллари миқдорида харажатлар амалга оширилсада, амалда ушбу хизмат учун 144,75 АҚШ доллари миқдорида тўловлар ҳисобланади.

Шу билан бирга, юкларни юк ташувчи самолётларда экспортга ташишда тарифлар барча товарлар учун бир хил усулда ҳисобланиб, юқоридаги каби текстиль ёки қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини ташиш учун белгиланган имтиёзлар мавжуд эмас. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, чартер рейсли самолётларда экспортга ташилаётган юклар миқдори йилдан-йилга пасайиб, 2018 йил давомида жами 5 786,2 тонна юк экспортга ташилган бўлса, 2019 йилнинг 1-чораги давомида 746,1 тонна юкнинг экспортга ташилиши таъминланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ-5177-сон Фармонига кўра миллий валютанинг чет эл валютасига нисбатан курсини белгилашда фақатгина бозор механизмларини қўлланилиши натижасида, Авиакомпания томонидан юкларни экспортга ташишдаги тарифлар 2017 йилнинг 12 октябридан 50 фоизга туширилган. Юкларни экспортга ташишдаги тарифларнинг ҳисоб-китоби эркин айирбошланадиган валютада юритилишини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур Фармонини қабул қилиниши муносабати билан Авиакомпания томонидан белгиланган тарифларни 50 фоизга туширилиши амалдаги сўмга нисбатан қийматдаги тарифнинг ўзгаришига ёки пасайишига олиб келмаган.

Таҳлил жараёнида Авиакомпания томонидан юкларни экспортга ташишда белгиланган тарифларнинг тез-тез ўзгариб туриши маълум бўлди. Масалан, текстиль маҳсулотларини экспортга ташишда белгиланган тарифлар 2018 йил мобайнида 1 мартаба ўзгарган бўлса, ушбу даврда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини экспортга ташишдаги тарифлар 4 мартаба ўзгартирилган. Ушбу ҳолатда тарифларнинг ўзгариши экспортёрлар томонидан тузилган шартнома шартларининг бузилишига ҳамда етказиб



бериладиган маҳсулот нархининг ошишига сабаб бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Авиакомпания томонидан юкларни экспортга ташиш бўйича кўрсатиладиган хизматларга белгиланган тарифларни мақбуллаштириш учун қуйидаги таклифлар тақдим этилмоқда:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 декабрдаги ПҚ-3422-сон қарорига мувофиқ барча турдаги маҳсулотлар учун экспорт тарифларини камида 25 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун 50 фоизгача пасайтириш<sup>1</sup>;

- экспортга ташиладиган юкларнинг энг кам миқдорини 500 кг дан 100 кг гача тушириш, бунда белгиланган тарифларни маҳсулотнинг энг кам миқдорини туширганлик учун оширмастик;

- юк ташувчи самолётлардан фақат чартер рейслари ташкил этиш орқали фойдаланмасдан, балки мунтазам юк ташиш рейсларини ташкил этиш, бунда мослашувчан тарифларни белгилаш ва юк ташувчи самолётлардан юкларни экспортга ташишда Авиакомпания томонидан ўрнатилган сиёсатни тубдан қайта кўриб чиқиш;

- юкларни экспортга ташишда белгиланган тарифларни узоқ муддатга, камида 1 йилга амал қилинишини таъминлаш.

Темир йўл билан ташиладиган асосий экспорт маҳсулотлари пахта толаси, ип, минерал ўғитлар, буғдой, мева-сабзавот, автомобиль, қишлоқ хўжалиги техникаси ва бошқа маҳсулотлар бўлиб, асосий етказиб бериладиган мамлакатлар Қозоғистон, Россия, Хитой, Тожикистон, Эрон, Туркманистон ва бошқалар ҳисобланади.

Экспортчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли баённома топшириғига кўра 2017 йилнинг 1 августидан бошлаб экспорт учун белгиланган тарифлар маҳаллий тарифлар даражасига туширилиб, экспортга юкларни ташиш хизматлар нархи 50-60 фоизгача пасайтирилган.

Юкларни темир йўллари орқали экспортга ташиш асосан Тошкент вилоятининг “Келес” пункти орқали амалга оширилиб, масофанинг асосий қисми юбориладиган юк манзили жойлашган давлатлар ҳудудига (Қозоғистон Республикаси ва Россия Федерацияси) тўғри келади. Шунга кўра, юкларни экспортга ташишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан бошқа давлатлар темир йўл хизматлари учун, улар томонидан белгиланадиган

транзит нархлар қўлланилиши, экспорт тарифларининг ошишига сабаб бўлмоқда<sup>2</sup>.

Темир йўлларида юкни экспортга ташишда тарифларни мақбуллаштириш ҳамда тарифларни ҳисоблашда шаффофликни таъминлаш мақсадида муаллиф томонидан қуйидагилар таклиф этилади:

- кўрсатилган хизматлар таннарни шаклланиши механизмнинг шаффофлигини таъминлаш;
- темир йўллари орқали юк ташиш фаолиятига хусусий операторларни жалб қилиш;

- юк ташиш тарифларини шакллантиришда ички ишлаб чиқарувчиларни қўллаб қувватловчи механизмларни кенг жорий этиш.

Хитой Ҳалқ Республикаси ва мамлакатимизнинг иқтисодий ва савдо алоқаларининг ривожланиш истиқболларини ва юқорида келтириб ўтилган маълумотларни инобатга олган ҳолда қуйидагиларни амалга ошириш муаллиф томонидан таклиф этилади:

- маҳаллий экспортчилар ва хитойлик импортчилар орасида тўғридан-тўғри мулоқот ўрнатиш имкониятини берувчи веб-сайт яратиш. Ушбу веб-сайтнинг асосий ютуқларидан, барча саҳифалари ўзбек тилида бўлиши ва автоматик матн таржимон дастури мавжудлиги бўлиши керак. Бу ўз навбатида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, мева-сабзавот етиштирувчилари учун воситачиларсиз тўғридан-тўғри экспорт қилиш учун қулайлик яратади;

- экспортга йўналтирилган логистика марказини ташкил этиш. Мева-сабзавот мисолида оладиган бўлсак, бунда вилоятда етиштириладиган барча маҳсулотларни бир жойда тўплаб Хитой стандартларига жавоб берадиган даражада расмийлаштирилади (қадоклаш, тамғалаш ва бошқалар). Ёки бошқача қилиб айтганда, маҳсулотни экспорт қилиш учун барча расмиятчилик жараёнларини бажаради;

- Хитойда жойлашган RT-Mart (461 та гипермаркет), Vanguard Group (4 866 та дўкон), Walmart China (424 та супермаркет), Yonghui Group (805 та дўкон), Carrefour (220 та гипермаркет ва 39 та дўкон), WSL Group (20 та универмаг, 264 та катта супермаркет, 527 та дўконлар) каби супермаркет тармоқлари билан маҳсулотларни тўғридан-тўғри етказиб бериш бўйича музокаралар олиб бориб, натижада шартномаларини имзолаш. Бу жараёнларни амалга ошириш учун Хитойдаги Ўзбекистон элчихонасида қўшимча ходим ажра-

<sup>1</sup> <https://lex.uz/docs/3436209> (07.01.2020)

<sup>2</sup> [http://www.railway.uz/ru/uslugi/gruzovye\\_perevozki/22/](http://www.railway.uz/ru/uslugi/gruzovye_perevozki/22/) (23.01.2020)

тиш лозим бўлади, агарда ушбу ҳаракатлар ўз самарасини берса, келажакда элчихона қошида маркетинг-консалтинг корхонасини очиш мумкин бўлади;

– вилоятларда Хитой бозорига мос келадиган маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқарувчилар ва Хитойдан таклиф этилган мутасадди давлат ва корхона ходимлари иштирокида конференциялар, ўқув семинарлари ўтказиш ҳамда чет эл грантини кўпайтириш;

– доимий равишда маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш, Хитойда бўлиб ўтадиган кўргазмаларда иштирок этиш ва у ерда “Made in Uzbekistan” номи остида савдо ярмаркаларини ташкил этиш. Бу ўз навбатида Ўзбекистон маҳсулотлари учун самарали реклама ва Хитой истеъмолчилари билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатиш имконини берадиган юқорида кўрсатилган тадбирларни амалга ошириш.

### Адабиётлар рўйхати:

1. Закон Республики Узбекистан №ЗРУ-319 от 6 января 2012 года “О конкуренции”. - // <https://www.lex.uz/acts/1931450> (Электрон манба. 2020 йил 7 мартда мурожаат этилган).
2. Закон Республики Узбекистан №ЗРУ-77-II от 26 мая 2000 года «О внешнеэкономической деятельности». // <https://lex.uz/docs/67238> (Электрон манба. 2020 йил 7 мартда мурожаат этилган).
3. Указ Президента Республики Узбекистан от 22 февраля 2018 года №УП-5308 «О Государственной программе по реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах в «Год поддержки активного предпринимательства, инновационных идей и технологий». - <https://lex.uz/docs/3516841> (Электрон манба. 2020 йил 7 мартда мурожаат этилган).
4. Тарифы на грузовые железнодорожные перевозки. Тарифное руководство №1, Т., 2000 г., АО «Ўзбекистон темир йўллари»
5. Амиро В.Б., Михеев В.В. Китай и глобализация – М.: ИМЭМО РАН, 2012.
6. Куликов В.С. Китай и глобализация. – М.: ИМЭМО РАН, 2012. – №1
7. Министерство инвестиций и внешней торговли Республики Узбекистан // <https://mift.uz/>
8. Министерство науки и технологий КНР // <http://www.most.gov.cn/eng/>
9. Информационное агентство Синьхуа // [http://www.xinhuanet.com/english/2018-02/27/c\\_137003209.htm](http://www.xinhuanet.com/english/2018-02/27/c_137003209.htm).
10. Куликов В.С. Инновации Европы в России и Китае. Актуальные проблемы Европы. – М.: Форсайт, 2013. – №1.